

Миср: Рамазонда ифторлик дастурхонлари таъқиқланади



20:00 / 02.03.2021 1978

Миср мусулмонлар идораси бу йилги Рамазонда ифторлик дастурхонлари таъқиқланади. Бу ҳақда egyptindependent.com манбаси хабар берди.

Миср мусулмонлар идораси маълумотига кўра, таровеҳ намозлари карантин қоидаларига мувофиқ ташкил этилади. Ибодатхоналар, жамоат хоналари ёпиқ ҳолда, хайрия ифторлик дастурхонларига рухсат берилмайди ва масжидларда қолиш таъқиқланади.

Масжидлар назорати маслаҳатчиси Нуҳ ал-Иссави шанба кунигаги нутқида Қиём намозлари пайтида ижтимоий масофани сақлаш талаб этилишини таъкидлади. Таровеҳ намозларини уйда ўқиш жоизлигини айтиб, бу кассаллик юқиши ҳамда кўпчиликни бир жойда тўпланишини олдини олиш

учун аҳамиятлилигини тушунтириб ўтди.

Мусулмонлар идораси раҳбари Муҳаммад Муҳтор Жума коронавирусга қарши хавфсизлик чораларига амал қилиш қонуний бурчимиз ва ватанпарварлик белгиси эканини таъкидлади.

Шунингдек, масжидларда ҳеч қандай тадбирлар ўтказилмаслиги, имомлар ва муаззинлар ижтимоий масофани сақлаган ҳолда кўпчиликни бир жойда тўпланишига йўл қўймаслиги, ҳар бир намозхон шахсий жойнамоздан фойдаланиши ва уни ҳеч кимга бериб турмаслиги каби хавфсизлик чораларига амал қилиб, уларни назорат қилиш айтиб ўтилди.

Таржимон: Зуҳра Зокирова